

“Анджон минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси билан “WILLPRINT” МЧЖўртасида ички йўллари жорий тавмирлаш ишлари бўйича тузилган

ШАРТНОМА № П-2022-276

Анджон шаҳри.

23 ноябрь 2022 йил.

Кейинги ўринларда **“Буюртмачи”** деб юритиладиган “Анджон минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси номида Низоми асосида иш курувчи директори Т.Мирзиев бир томондан, мағзида кейинги ўринларда **“Пудратчи”** деб юритиладиган “WILLPRINT” МЧЖ-Низоми асосида иш курувчи раҳбари М.Маарахмовиқкинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. “Пудратчи” ушбу шартнома шартларига мувофиқ **Марҳамат туман Хўжаарик МФЙ Хўжаюсубон кўчаси**ни жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. **“Буюртмачи”** эса “Пудратчи”га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда **48 897 541** (Қирк саккиз миллион саккиз юз тўқсон етти минг беш юз кичик бир сўм) ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдиқланиб молиялаштирилган маблағи аниқлангандан сўнг, тегишли Ҳазначилик лизингидан (Узасбо дастури) рўйхатлан ўтиб, маблан Республика ёки маҳаллий бюджетдан **“Буюртмачи”**нинг махсус ҳисобига туширилгандан сўнг, 10 банк иш кунида **“Буюртмачи”** томонидан бажариладиган ишлар қийматининг 30% пул маблағлари аванс тартиқсида **“Пудратчи”**нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

2.3. Мабланнинг қолган қисми Республика ёки маҳаллий бюджетдан **“Буюртмачи”**нинг махсус ҳисоб рақамига туширилгандан сўнг, **“Пудратчи”** томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида мазкур шартномага илова қилинган тўлов жадвалига асосан ўтказиб беради.

2.4. **“Пудратчи”** томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар 2022 йилнинг 31-декабрь кунига қадар **“Буюртмачи”**га топширилиши шарт ҳисобланади. Қўрсатилган муддатда **“Пудратчи”** томонидан бажарилган ишлар топширилиши таъминланмаган тақдирда, бажарилган ишлар юзасидан **“Буюртмачи”** томонидан молиялаштирилиши масаласи қайта кўриб чиқилади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар **“Буюртмачи”** томонидан пул ўтказими йўли билан амалга оширилади.

III. ШАРТНОМАНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Пудратчи”нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномага илова қилинган бажариладиган ишлар жадвалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришди ва иловада кўрсатилган жадвал асосида белгиланган ойларида ишларни қўрсатилган муддатларда бажариб топширади.

3.2. Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда **“Буюртмачи”**га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

Объектнинг ижро ҳужжатларини тўлиқ расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш

материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини ва ҳисоб варак фактуралар (юк хати)дан нуسخа тақдим этади.

3.3. **“Пудратчи”** мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун **“Буюртмачи”** олдидан тўлиқ мулкчи жаавоб беради. **“Пудратчи”** **“Буюртмачи”** олдидан ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун ҳам жаавобгар бўлади. **“Буюртмачи”** **“Пудратчи”** билан тузилган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

3.4. **“Пудратчи”** геология нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиқ ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жаавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геология ишларида хатолар аниқланса, **“Пудратчи”** тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.5. Агар беркирилган (ёпилиб кетадиган) ишлар **“Буюртмачи”**нинг тасдиқланган бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича **“Пудратчи”** **“Буюртмачи”**нинг қўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очинишга, сўнгра уни тиклашга мажбурдир.

3.6. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар туғаллангунгача **“Пудратчи”** қурилиш монтеж ишларини бажарилишини юритиш дафтари (журнал)ни юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши акс этирилади. **“Пудратчи”** дафтар (журнал)да **“Буюртмачи”** томонидан асосли равишда қўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда баргараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.7. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасодикий йўқ қилиниши ва шикастланишига **“Пудратчи”** тўлиқ жаавобгар бўлади.

“Пудратчи”нинг ҳуқуқлари:

3.8. Бажариб бериладиган иш учун олинадиган аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширилгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиши.

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асосида равишда рад этилиши натиқасида етказилган зарарин қопланишини талаб қилиши.

3.9. Лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари **“Пудратчи”** томонидан тўлиқ ва сифатли бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлари смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу мабланни айрим харажатлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарини ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида **“Буюртмачи”**ни хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин.

3.10. **“Пудратчи”** зарур ҳолларда айрим иш турларини бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўз имкониятлардан қилиб чиққан ҳолда, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараёнинг бузилмаглигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотининг тегишли ҳулосаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.11. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларида бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгаришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

“Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

3.12. Тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиши.

3.13. Бажарилган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманин 2.2-бандига қўра, ишни бажариб топширилгандан сўнг, мазкур шартноманин 2.3-бандига қўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинади.

“Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

3.14. "Пудратчи" дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.15. Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғридалиши харажатларини қоплаишини талаб қилиш.

3.16. "Пудратчи" дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиҳа ҳужжатлари асосида ишла сифатли бажарган ҳолда қабул қилиш олин.

3.17. "Пудратчи" томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш.

3.18. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча тўридан тўрида таъминлаш ҳукукига эгадир.

3.19. Агар "Пудратчи" шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган объектни "Буюртмачи"га топширмаган тақдирда, "Буюртмачи" мазкур шартнома муддатлари тутагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятини бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. "Пудратчи" объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун "Буюртмачи"га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятларни бажарилмаган қисмининг 0,5%и миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50%идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар "Пудратчи" томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаса, "Буюртмачи" тўловларни тўхатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20%и миқдорда жарима ундирилишини талаб қилиш ҳукукига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун "Буюртмачи" томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50% миқдордан ортимаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳукукий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 25-32 моддалари асосида белгиланади.

V. ЕНГИГИБ БЎЛМАЙДИГАН КҮЧ (ФОРС МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиғат ҳолисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартномани бажарилишига бевоқоф таъсир этса томонларнинг жавобгарликлдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2. "Пудратчи" нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, "пудратчи" да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгаририлиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблагни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиққан тақдирда "Буюртмачи" ва "Пудратчи" ўзаро келишув асосида шартномага ўзгаририлиш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан ҳал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро Иқтисодий суди орқали ҳал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик тизимидан (Узасбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга киради.

7.2. Томонларнинг келишувига кўра ишларнинг топшириш муддати аванс олинган кундан бошлаб 30 кунни ташкил этади.

7.3. Ишларини бажариш бўйича маблағ "Автомобиль йўллари ривожлантириш Андижон ҳудудий мақсадли жамғармаси" томонидан "Буюртмачи"нинг махсус ҳисоб рақамига 2022 йил 31 декабрда қалар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

7.4. Шартнома 2 нусхада тuzилиб, иккала нусхаси ҳам ҳукукий жихатдан тенг кучга эга.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашни бўйича қондаларга, шу жумлада амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат ишгироскидаги ташкилот ходимларига пора бериш ёки беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харақатларини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишини кафолатлайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

"БҮЮРТМАЧИ"

Андижон минтақавий йулларга буюртмачи хизмати давлат унингтар корхонаси
Андижон ш. А.Иудожов кучаси 30-уй.
Тел/факс: 227-66-36 226-88-90
ш/х: 304521860032277045129118015
СТИР 304917491

ОКОНХ 42110

Ўз.Р. Молия Вазирлиги Ҳазначилиги

Ҳазна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи: МБББ ХККМ

МФО 00014

Ҳазначилик бўлими маси СТИР 201122919

Директори:

Г. Мирзасев

Директор:

М. Мадрохимов

"ПУДРАТЧИ"

"WILLPRINT" МЧЖ

Тошкент вилояти Ангрени шахри
Чиркизова 2 уй

Халқ банки Ангрени бўлими

х/р: 20208000704920591001

МФО: 00784

ИНН: 302 015 002



Бош юрисконсульт:

З. Джаборкулов